Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (13.573)

Баҳоси эркин нархда

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ СИФАТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2017 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида архитектура ва қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари юзасидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ҳар бир жабҳасида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, қурилиш ишларининг ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Жорий йил май ойида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибий тузилмаси тубдан ўзгартирилди ва янги вазифалар қўйилди. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари қўшимча штат бирликлари билан кенгайтирилди. Жумладан, 11 ҳудудда "Ўзшаҳарсозлик" ва Самарқанд шаҳрида "Тошкентбошплан" лойиҳа институти филиаллари, шунингдек, 13 ҳудудда 26 етакчи лойиҳа ташкилоти очилди. Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари ҳамда 14 қурилиш касб-ҳунар коллежи қўмита тасарруфига ўтказилди.

Қабул қилинган мақсадли давлат дастурлари доирасида ҳамда давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларга мувофиқ, жойларда қатор ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Ислом Каримов, Фурқат, Навоий ва Олмазор кўчалари оралиғидаги ҳудудда "Тошкент-сити" замонавий халқаро ишбилармонлик маркази барпо этилмоқда.

Мазкур марказда энг замонавий лойиҳалар ва ўзига хос архитектура ечимлари асосида уй-жойлар, офислар, бизнес марказлари, кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари, миллий ва замонавий услубдаги инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотлар қад ростлайди.

Худди шу каби концепция асосида Самарқанд шаҳрида ҳам "Самарқанд-сити" маркази қурилмоқда.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрини мутлақо янгича ёндашув асосида ва илғор хорижий меъморчилик ютуқларини қўллаган ҳолда барпо этиш белгиланган. Ушбу шаҳарнинг бош режаси халқаро микёсдаги хорижий архитекторлик компанияси томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва маданий инфратузилма объектларини ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида "Экопарк", "Дўстлик боғи" ва "Ашхобод боғи" каби истироҳат масканлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, пойтахтимизда "Ўзбекистон" Миллий боғини тубдан қайта қуриш ва янги "Наврўз" боғини барпо этиш бўйича қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Миллий боққа туташ ҳудудда "Адиблар хиёбони" барпо этилмоқда.

Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишлаб Тошкент шаҳрида меъморий ёдгорлик мажмуаси ва Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуаси ҳудудида мақбара барпо этилди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида Сузук ота мақбараси ва ҳунармандчилик маркази, Хастимом мажмуасига ёндош ҳудудда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Йиғилишда аҳолига арзон ва қулай уй-жойлар барпо этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бу борада қишлоқ массивларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига асосан 2017 йил 15 минг шундай уй-жой қурилмоқда. Бу мақсадлар учун 2 триллион 35 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларга мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг талаб-истаклари ва уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда қўшимча равишда 4 минг 610 намунавий уй қурилмоқда. Бунинг учун 574 миллиард сўм ажратилган.

Бугунги кунга қадар 10 минг 431 арзон уй-жой фойдаланишга топширилди. Қолган 9 минг 179 уй қурилиши декабрь ойида якунланади.

Ушбу уй-жойлар бўйича муҳтож оилаларга 1 триллион 620 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари 15 йил муддатга ажратилмоқда.

Дастурни амалга ошириш натижасида 2017 йил 19 мингдан ортиқ қишлоқ оиласи шаҳардагидан қолишмайдиган шинам ва замонавий уй-жойга эга бўлади. 2018 йил ҳам қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қарийб 20 минг арзон уй барпо этилади.

Ўз навбатида, жорий йилда шаҳарларда намунавий лойиҳалар асосида 7 минг 919 хонадонли 191 кўп қаватли уй қурилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 4 минг 88 квартирали 102 кўп қаватли арзон ва қулай уй-жой қурилмоқда. Мазкур хонадонлар учун уй-жойга муҳтож аҳоли ва ёш оилаларга 20 йил муддатга 751 миллиард сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари тақдим этилмоқда.

Бугунги кунда 70 уйнинг қурилиш ишлари якунланди ва фойдаланишга топширилди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида 9 қаватли 162 хонадонли 4 та ҳамда пойтахтимизнинг Сергели туманида 2 минг 576 квартирага мўлжалланган 66 та кўп қаватли уй қуриб битказилди ва хонадон эгаларига калитлар топширилди. Қолган кўп қаватли уй-жойларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 25 йиллик байрами арафасида ҳамда декабрь ойи охирига қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Дастурни амалга ошириш натижасида 2017 йил 8 мингдан ортиқ шаҳар оилалари замонавий, шинам ва қулай хонадонларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги қарорига мувофиқ, 2018-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурининг янгиланган параметрлари тасдиқланди. Унга кўра, келгуси йилларда қуриладиган уйлар сони 1,5-2 баробар кўпайтирилган. Хусусан, 2018 йил жами 15 минг 172 хонадонга эга бўлган 365 та кўп қаватли уй қуриш кўзда тутилган.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимининг фаолияти танқид қилинди ва ислоҳотларни амалга ошириш суст олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Соҳага доир норматив ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қоидалари ва қурилиш меъёрларининг аксарият қисми эскирган, собиқ тузум давридан қолиб кетган, деди давлатимиз раҳбари. Ушбу меъёрларни замонавий талабларга мослаштириш бўйича кўплаб топшириқ берилган бўлса-да, бу йўналишда натижага эришилмаган.

Жаҳон банки эълон қилган рейтингда Ўзбекистон ер ажратиш ва қурилишга рухсат олиш позицияси бўйича 135-ўринда бўлиб, бу ишларга ўртача 246 кун вақт кетиши ҳам қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш зарурлигига яна бир яққол далилдир.

Шу билан бирга, шаҳарларнинг бош режалари, қишлоқларда архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш талабга мутлақо жавоб бермайди. Хусусан, 2011-2018 йилларда шаҳарсозлик ҳужжатларини янгилаш бўйича дастур атиги 30-40 фоиз бажарилган ёки жами 1 минг 200 шаҳар ва шаҳарчадан фақат 207 тасининг (17 фоизи) бош режаси мавжуд.

Бунинг оқибатида шаҳарлар ва туманларда ўзбошимчалик билан ва чала лойиҳалар асосида қуриш ҳолатлари давом этмоқда. Бу эса мазкур аҳоли пунктлари қиёфаси жиддий бузилишига олиб келмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Шунингдек, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан лойиҳа институтлари фаолияти яхши йўлга қўйилмагани, бу борада илғор чет эл тажрибаси жорий этилмаётгани танқид қилинди. Жумладан, қурилиш лойиҳалари сифати паст, нархи эса асоссиз равишда юқорилигича қолмоқда. Ўз навбатида, бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда экологик жиҳатдан хавфсизлик ва энергия тежамкорликни таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Бунинг оқибатида аксарият қурилаётган бино-иншоотлар бир қолипда ва кўримсиз бўлиб, аҳоли пунктлари қиёфасини ўзгартиришга хизмат қилмаяпти.

Йиғилишда қурилиш ва лойиҳалаш бўйича кадрлар тайёрлаш сифати ҳам талабга жавоб бермаслиги қайд этилди. Хусусан, тизимдаги 500 га яқин вакант ўринлар, жумладан, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимларидаги 110 ва лойиҳа ташкилотларидаги 200 га яқин вакант штатларни тўлдиришни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳар томонлама салоҳиятга эга бўлган профессионал қурилиш-пудрат ташкилотлари шаклланмагани, улардаги мавжуд моддий-техник база, молиявий манбалар тобора ортиб бораётган қурилиш ишлари ҳажмини тўлиқ қоплашга қодир эмаслиги алоҳида қайд этилди.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда шаҳарсозлик ва қурилиш қоидаларини янгилаш ва ихчамлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳоли пунктлари бош режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича янги уч йиллик дастурни ҳукуматга тасдиқлаш учун киритиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ер ажратиш, қурилишни лойиҳалаштириш ва фойдаланишга топшириш бўйича амалдаги қоидаларни қисқартириш ва очиқ-ойдин бўлишини таъминлаш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Қурилиш-пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларни айланма маблағлар билан таъминлаш ҳамда бош лойиҳа институтлари таркибий тузилмаси ва кадрлар салоҳиятини қайта кўриб чиққан ҳолда, замонавий архитектура талаблари асосида ҳар қандай турдаги лойиҳа ишларини амалга ошира оладиган ташкилотларга айлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда шаҳарлардаги кўп қаватли арзон уйлар ва қишлоқ жойлардаги намунали уйларни сифатли қуриш ва муддатида топшириш, одамларнинг бу уйларга кўчиб киришини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш вазифаси юклатилди.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, "Қишлоқ қурилиш инвест" ва "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари раҳбарлари Қ.Ҳошимбеков ва З.Нарзуллаев вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда ушбу уйларнинг кўрсатилган муддатда топширилиши учун шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари, жумладан, цемент, пишган ғишт, қурилиш ойнаси, чақиқ тош ва қум каби норуда материалларнинг нархлари ошиб кетиши ва бунга асосий сабаб бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ички талаб ва экспорт учун етарли эмаслиги натижасида олибсотарлик авжига чиққани жиддий танқид қилинди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси раиси Б.Зариповга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кескин ошириш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш нархлари ўзгариши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиш ва шу орқали нархларнинг асоссиз равишда ошиб кетишининг олдини олиш, ички талабни тўлиқ қондириш ва экспортни таъминлаш бўйича ҳукумат қарорини тайёрлаш ва тасдиқлатиш ҳамда уни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, "Хабеас корпус" институтини қўллашни кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан **191** нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки охирги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича **3 511** та жиноят иши тугатилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ 25 ЙИЛИ

"Ўзэкспомарказ"да 30 ноябрь куни шундай номли тарихий-ҳужжатли кўргазма очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда икки мамлакат парламент аъзолари, вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олимлар, дипломатик корпус вакиллари, юртдошларимиз ва россиялик меҳмонлар иштирок этди.

Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий-ҳужжатли кўргазма ташкилотчилари ва иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг қутлов сўзини Россия Федерацияси Президентининг хорижий давлатлар билан минтақалараро ва маданий алоқалар бўйича бошқармаси бошлиғи, Россия делегацияси раҳбари В.Чернов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари И.Умаханов, Россия Федерацияси мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Тюрденев ва бошқалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, ушбу кўргазма стратегик шериклик ва мустаҳкам дўстлик алоқаларини яққол намоён этишини таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан 20 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин бир-бирларини қутладилар.

Қутловларда таъкидланганидек, ўтган йилларда Ўзбекистон билан Россия муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Серқирра ва кўп томонлама муносабатлар ривожида салмоқли натижаларга эришилди.

Кўргазмада ана шу натижалар, тарихий ҳужжатлар ўз ифодасини топган. Экспозиция еттита мавзуга бўлинган 300 га яқин экспонатни ўз ичига олган.

Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифига бағишланган.

Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юқори босқичга кўтарди. Олий даражадаги музокараларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари белгилаб олинди. Ҳамкорлик соҳалари кенгайди. Мулоқотлар натижасида умумий қиймати 16 миллиард доллар бўлган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Конституция – бахтимиз пойдевори" шиори остида ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган 13 ўқувчининг савол-жавоблар асосида Конституциямиз ҳақидаги билими, Бош қомусимиз бобларига шарҳлари, айни пайтда мулоқот жараёнидаги нотиқлик маҳорати баҳоланди.

● Нукусда "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Камалак" болалар ташкилоти ташаббуси билан санъатга ошуфта ўқувчи ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган танлов кўплаб ёш истеъдод эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

● Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олдидан "Peng Sheng" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси томонидан барпо этилган дўстлик боғи фойдаланишга топширилди. "Ўзбекистон – Хитой дўстлик боғи" номини олган мазкур маданият ва соғломлаштириш масканининг умумий майдони 14,7 гектар. Боғ ҳудудида 2 фаввора, турли аттракционлар, кутубхона, 1 минг 500 ўринли футбол майдони, 20х50 ҳажмдаги сузиш ҳавзаси бунёд этилди.

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида умумтаълим мактабларининг ёшлар етакчилари учун ўқув-семинари ўтказилди. Президентимизнинг 2017 йил 18 июлдаги "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган семинарда барча вилоятлардан 219 нафар ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Канадада исми ошкор этилмаётган маҳаллий фуқаро "49 дан 6" лотерея ўйинида 5 миллион доллар (4 миллион АҚШ доллари) миқдорида пул мукофоти ютиб олди. Маълумотларга қараганда, ғолиб Онтарио музофотида истиқомат қилади. У ҳозирча ютган чиптасини ташкилотчиларга тақдим этмаган. Топширганидан кейин омадли инсоннинг номи ошкор қилинади.

● Хитойда анъанавий халқаро медиа саммит бўлиб ўтмоқда. Унда 45 та давлатдан келган соҳа вакиллари ўз мамлакатларидаги энг янги ахборот коммуникация технологиялари ютуқлари билан ўртоқлашяптилар.

● Испанияда онлайн тизими орқали Интернет ёрдамида йўловчиларни ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчиларга қарши мамлакат таксичиларининг норозилик намойиши ва бир кунлик иш ташлаш акцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг бетараслигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

3. Қуйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш;

процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш.

4. Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади;

ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонунбузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослантирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

прокурор томонидан:

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилиши;

мазкур шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилган бўлиши мумкинлиги, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги;

ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари бўйича юқори турувчи прокурорни хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги юзасидан мажбурий тарзда текширишлар ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (О.Б.Муродов) бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1–5-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда;

жиноят ишлари бўйича ушлаб туриш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда;

маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазони ижро этишда;

содир этган жинояти ҳақида қонунда белгиланган муддатларда хабар қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи нормаларни қўллашда қонунийликнинг ҳамда қонунчилик талабларини бузганликнинг ҳар бир ҳолати бўйича жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Полиция вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни;

ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга, шу жумладан, ўраб олиш орқали йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашни;

қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, "Электрон жиноят иши" тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритишни ташкил этсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид **70** дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган, уларга риоя этилиши масалалари бўйича эса БМТнинг тегишли қўмиталарига **30** дан ортиқ миллий ҳисоботларни тақдим қилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, прокуратура, адлия, ички ишлар органларини ўз ичига олган миллий институтларнинг уйғун тизими фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизимли асосда кўрилмоқда.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, "Хабеас корпус" институтини қўллашни кенгайтиришни назарда тутувчи **50** дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширишга имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан **191** нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки охирги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича **3 511** та жиноят иши тугатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг асосли эътирозига, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг холислигига ишончи пасайишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларнинг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат бўлган **"Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон** қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат раҳбари ўз Фармонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътиборини мазкур талабларга қатъий ва оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратди.

Қайд этилган органлар процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далиллар сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Бундай қонун бузилиши ва рухсат этилмаган услублар орасида, биринчи навбатда, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қайд этилган.

Фармон билан Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, **судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланмоқда.** Процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Қонунчиликда мавжуд бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ва ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган ҳолатларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатувлар беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун **жиноий жавобгарлик киритилмоқда.** Шунингдек, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг қатор қўшимча кафолатлари киритилмоқда.

Хусусан, сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахсга тегишли ваколатли органга келтирилган вақтдан бошлаб 72 соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш мақсадида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни прокуратура органлари ёки суд томонидан мажбурий текшириш киритилмоқда. Текшириш ўтказишда тиббий экспертиза тайинланиши шарт.

Асосий процессуал ҳаракатларни мажбурий видео қайд этиш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга қаратилган муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, шунингдек, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов эксперименти бундай ҳаракатларга киритилди.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтга қадар ҳимоячи далиллар эмас, балки далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган, бу судда ишларни юритишда тортишув принципи бузилишига олиб келар эди. Шунинг учун, ҳимоячига жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши шарт бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи берилади.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг қонунийлигини таъминлашда прокурорга муҳим вазифалар юкланиб, у озодликдан маҳрум қилинган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоқ қўлланилган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш ҳақидаги қонун талабларига риоя этилишини мажбурий тарзда текшириши шарт. Шунингдек, прокурорга мазкур шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик, уларнинг жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги бўйича чоралар кўриш ҳам юклатилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги прокурор текшируви билан қамраб олинади. Бу маҳкумлар томонидан қоидабузарлик содир этилганлиги баҳонаси билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритиладиган тегишли қонун лойиҳасида ўз аксини топади.

Қайд этилганлардан ташқари, ваколатли органларга ташкилий характердаги қатор топшириқлар берилмоқда.

Хусусан, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларида видеокузатув воситаларини ўрнатиш топширилган.

Илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, жумладан "Электрон жиноят иши" тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида тизимли қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш имконини беради, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилинишини таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ 25 ЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу воқеа барча даражадаги алоқаларга янги сурьат бағишлади. Делегациялар ташрифи, ишбилармон доиралар ҳамкорлиги фаоллашди.

Кўргазма блокларидан яна бири "Сиёсий мулоқот" деб номланган. Унда бугунги дипломатик муносабатларга асос солган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Россия Президентлари Борис Ельцин, Владимир Путин ва Дмитрий Медведев билан учрашувлари, имзоланган қўшма баёнот ва шартномалар суратлари акс этган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида савдо, иқтисодиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир икки юздан зиёд ҳужжат қабул қилинган. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома уларнинг энг муҳимларидир. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўргазмада икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка алоҳида ўрин берилган.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий алоқалар асосий ўринда туради. Мамлакатимизда Россия инвестициялари иштирокида тузилган 960 дан зиёд корхона, Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида ташкил этилган қарийб 570 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 64 етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортиб бормоқда – йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган.

Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида нефть-газ ва нефть-кимё соҳалари, металлургия, машинасозлик, электр техникаси саноати, фармацевтика, агросаноат, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Икки давлат ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги амалий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Яна бир экспозиция ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка бағишланган.

Ўзбекистон ва Россия тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақавий хавф-хатарларга қарши курашиш борасида ҳам изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Турли йилларда терроризмга қарши қўшма тактик машқлар ўтказилган. Жорий йил октябрда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округининг "Фориш" тоғ-дала ўқув майдонида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси мудофаа вазирликлари қўшинлари бўлинмаларининг махсус тактик-ўқув машқлари бўлиб ўтди. Сентябрь ойида Тошкент шаҳрида икки мамлакат Хавфсизлик кенгашлари аппаратлари ўртасида навбатдаги маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликка бағишланган бўлимда ушбу соҳадаги мустаҳкам алоқалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон билан Россиянинг фан, таълим, маданият, санъат, спорт, туризм соҳаларидаги ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Икки давлат халқлари бир-бирининг маданияти ва адабиётига ҳурмат билан қарайди. Москва шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали, Тошкент шаҳрида рус шоири Александр Пушкин ҳайкали қад ростлаган. Мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиаллари очилган.

2016 йил Ўзбекистонда Россия кунлари, жорий йил Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Ўзбекистон делегациясининг ташрифи арафасида Москвадаги А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида мамлакатимизнинг И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи экспонатлари кўргазмаси ташкил этилди.

Бу йил Тошкент епархиясининг 145 йиллиги нишонланди. Унда иштирок этиш учун Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл юртимизга ташриф буюрди.

"Умумий тарихнинг муҳим даврлари" деб номланган қисмда Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик аскарларнинг қаҳрамонликлари, юртимизга эвакуация қилинган россияликларнинг ҳаёти ва фаолияти, халқимизнинг фронт ортидаги машаққатли меҳнати, 1966 йилда Тошкентда рўй берган зилзиладан кейинги тикланиш ишлари акс эттирилган.

"Замонавий Ўзбекистон" деб номланган бўлимда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти, иқтисодий ва маданий бойликлари, туризм салоҳияти намоён бўлган.

– Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўзаро ҳурмат, умумий маслак, тарихий хотиралар билан боғланган, – деди Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари И.Умаханов. – 1970 йил менинг она юртим Дағистонда дахшатли зилзила бўлганда ўзбекистонлик қурувчи ва ишчилар биринчи бўлиб етиб борган. Маҳачқалъада улар бунёд этган масканни ҳозир ҳам халқимиз "Ўзбек шаҳарчаси" деб атайди. Бундай меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик биз тенгилар учун улкан сабоқ ва ибрат бўлган. Шундай дўстлик руҳини авлоддан авлодга етказиш, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш жуда муҳим. Ушбу кўргазмада умумий тарихимиз ва бугунги алоқаларимиз намоён бўлгани бизда катта таассурот қолдирди.

Кўргазма доирасида яна бир воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Галина Мельникова Россия Федерацияси Президентининг шу йил 27 ноябрдаги фармонига мувофиқ, Россиянинг "Дружба" (Дўстлик) ордени билан тақдирланган эди. Россия Федерацияси Президентининг хорижий давлатлар билан минтақалараро ва маданий алоқалар бўйича вакили В.Чернов Галина Мельниковага ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

Кўргазма бир ой давом этади.

* * *

Шу куни Москва давлат университетининг Тошкент филиалида "Ўзбекистон ва Россия стратегик шериклигининг янги уфқлари: иқтисодиёт, хавфсизлик, ижтимоий мулоқот" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари раҳбарлари, Россия делегацияси аъзолари нутқ сўзлади. Академиклар, тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Россия шериклигининг турли жиҳатлари – тарихий босқичлар, сиёсий мулоқотлар натижалари, иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари, маданий-гуманитар алоқалар истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари учун сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловни юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳар бир фуқаро бирдек масъулдир. Бу эса бир вақтнинг ўзида сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтиришни, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишда уларнинг ролини кенгайтиришни талаб этади. Бу тўла маънода бизнинг фаоллигимизга боғлиқ.

Шу ўринда савол туғилади. Бизга қандай депутат керак? Кимлар депутат бўлишга маънан ҳақли-ю кимлар бу номга муносиб эмас? Уларнинг Сайловолди дастурларида белгиланган вазифалар айнан қайси жиҳатлари билан эътиборга молик? Сайлов куни қайси номзодни қўллаб овоз берсак янглишмаймиз? Бу каби саволлар партия фаоли, қолаверса, сайловчи сифатида ҳар биримизни ўйлантириши табиий. Ахир сизу биз бугун номзодини кўрсатаётган фуқаро эртага депутат этиб сайланса-ю қандай яшаётганинг, ҳудудингда учраётган муаммолар билан қизиқмаса. Бу ҳолни бирон бир тарзда оқлаш мумкинми? Шу боис биз депутатликка номзодларни фаол ва ташаббускор, ҳар қандай шароитда одамлар билан елкама-елка турадиган кишилар орасидан танлашимиз, уларнинг Сайловолди дастурида ифода этилган вазифалар муаммоларимизни ҳал этишга хизмат қилиши керак.

Хўш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида нима дейиш мумкин? Уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни янада тараққий эттиришдаги ўрни нимадан иборат?

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофазаси ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этишга эътибор қаратади. Партиядан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига номзодларимиз дастурлари ҳам айнан мазкур йўналишлардаги устувор ғояларга асосланади.

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши борасида амалга оширилаётган стратегиянинг муҳим ижтимоий йўналиши бу аҳоли турмушининг сифатини янада оширишдан иборат. Кейинги йилларда жойларда замонавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуришга қаратилган кенг кўламли дастурлар аҳоли турмуши ва яшаш тарзига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда, уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур бўлган муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий топтириш энг муҳим масалалардан саналади.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда эришилган натижалар ва олиб борилаётган ишлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларининг сифатли уй-жой шароитлари, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади. Шуларни инобатга олган ҳолда Шайхонтоҳур туманидаги 10-Боғкўча сайлов округидан партиямиздан кўрсатилган номзод Гулчеҳра Холматованинг дастурида уй-жой ва коммунал хизматлар, ижтимоий инфратузилма объектларининг мақбуллигини таъминлаш бўйича муҳим йўналишлар ўрин олган.

Сир эмаски, одамлар ҳаётини янада яхшилаш учун жонини койитиб ишлайдиган, жойларда иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун изланишдан чарчамайдиган депутат сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланади. Улар одамлар орасида бошини баланд кўтариб юради, юзи ёруғ бўлиб, халқ ичида обрў-эътиборга эга бўлади. Бунинг учун у вакиллик ҳокимиятида кўтариб чиқаётган таклифлар асосли бўлиши, у одамлар манфаатини кўзлаши керак.

Номзодимиз фикрича, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондини ташкил қилишнинг аниқ механизмларини яратиш зарур.

Коммунал хизматлар нархлари ва тарифлари шаклланиши жараёнлари очиқлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Бундан ташқари, қурилиш ишларини лойиҳалаштиришда ушбу ҳудуд инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Яна бир муҳим томони, номзодимиз ногиронларнинг ижтимоий мослашувини янада кенгайтириш масаласини ҳам кўтариб чиқмоқда. Уларнинг меҳнат қилиши учун ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш, йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил қилиш бўйича мажбурий квоталар белгилашга ҳаракат қилмоқда. Аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштириш, уларнинг ижтимоий объектлардан, транспортдан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш масаласини илгари суряпти.

Ногиронлар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Демак, улар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларни яратиш, ўзини эркин ҳис қилиши учун барча имкониятларни ишга солиш энг муҳим масаладир.

Жамиятда шундай инсонлар борки, жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамасдан меҳнат қилиб, барқарор даромад манбаига эга бўлиш учун интилади. Албатта, уларнинг бу ҳаракати қўллаб-қувватланиши керак. Айниқса, ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш мақсадида ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, шу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш чораларини кўриш, йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Биноларни қуришда, ижтимоий объектларда ҳам уларнинг бемалол ҳаракатланиши учун махсус пандуслар яратиш зарур.

Шунингдек, депутатликка номзод коммунал хизматлар ва кўп қаватли уйларда турар жойдан фойдаланиш харажатлари нархларининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш мақсадида бир қатор таклифларни илгари сурмоқда. Аввало, тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматларни кўрсатишнинг арзон муқобил турларини ривожлантириш керак, деб ҳисоблайди. Табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматлари (электр ва иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва канализация хизматлари)га нарх ва тарифларни ўрнатишнинг иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа, дейди.

Кўриниб турибдики, депутатликка номзод илгари сураётган масалалар пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Унинг Сайловолди дастурида кўтарилган ушбу ҳаётий масалалар яхши яшаш, муносиб турмуш тарзига эга бўлиш учун хизмат қилади.

Депутатликка номзод илгари сураётган таклиф асосли бўлиши, одамлар манфаатига қаратилиши, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши лозим. Мисол учун, Учтепа туманидаги 9-Назарбек сайлов округидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди Алишер Маҳкамовнинг Сайловолди дастурида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва хизматларнинг мақбуллиги ва юқори сифатини таъминлаш бўйича долзарб ва муҳим таклифлар билдирилган. Бу таклифларнинг қанчалик тўғри, асосли экани депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида ўз тасдиғини топмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасини изчил ислоҳ қилиш натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатишнинг яхлит замонавий инфратузилмаси шакллантирилди. Уни ривожлантиришга йўналтирилаётган бюджет харажатлари йил сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП бу стратегик йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишни муҳим йўналиш, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, номзодимиз ўз дастурида соҳани янада ривожлантириш учун бир қатор масалаларда қўшимча чоралар кўриш кераклигини таъкидлайди. Аввало, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар учун мақбуллигини таъминлаш, дори-дармон воситаларига нарх қўйиш устидан давлат назоратини кучайтириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътиборни кучайтириш зарур.

Ҳозирда номзодимиз қўйилган сайлов округида 4 мингга яқин сайловчи бор. Улар билан учрашувлар давомида одамларни ўйлантираётган, соҳада ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда Учтепа туманида истиқомат қилаётган 280 минг нафардан зиёд аҳолига 5 та оилавий поликлиника, 1 та болалар шифохонаси, 1 та стоматология шифохонаси, 1 та туғруқхона, 1 та болалар сил касаллиги оромгоҳи, тез тиббий клиника шифохонаси хизмат кўрсатмоқда. Депутатликка номзод уларнинг модий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу малакали кадрлардир. Шундан келиб чиқиб, унинг Сайловолди дастурида тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида мақсадли қабул амалиётини кенг жорий қилишни янада такомиллаштириш, айниқса, умумамалиёт шифокорларини талабдан келиб чиқиб тайёрлаш масаласини зудлик билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. У аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда врачлар малакасини ошириш йўналишини қайта кўриб чиқиш тарафдори.

Яна бир аҳамиятли томони, номзод жисмоний имконияти чекланган, ҳисобда турадиган инсонларга рецепт асосида берилаётган дори воситалари билан боғлиқ муаммо бўлмаслиги керак, деган таклифни илгари сурмоқда. Шу орқали биз аҳолининг, айниқса, электорат вакилларининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаймиз, дея қатъий таъкидлайди у.

Бир сўз билан айтганда, депутатликка номзод Алишер Маҳкамовнинг Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари учун кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳада учраётган айрим муаммоларни ҳал этиш бўйича муҳим таклифлар ўз ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Мамлакатимизда ёшларнинг умумтаълим ва касб тайёргарлигини таъминлашнинг замонавий модели амалга оширилган бўлиб, унинг воситасида ҳар томонлама баркамол ва мустақил фикрловчи, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбларни эгаллаган, қатъий фуқаролик позициясига эга ёшлар тарбияланмоқда.

Ҳозирги кунда Чилонзор туманида 30 та мактаб, 11 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей фаолият юритяпти. Партиямиз сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш тарафдори. Шундан келиб чиқиб, Чилонзор туманидаги 12-Нафосат сайлов округидан депутатликка номзод Лаъли Джураева ушбу қарашни ёқлаш билан бир қаторда, бу борада ўз таклифларини ишлаб чиқди.

Унинг фикрича, жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш зарур. Ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар жорий этиш, жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш лозим.

Номзоднинг мазкур ғояларини кўпчилик маъқулламоқда. Чунки улар мамлакатимиз тараққиёти, ёшларимиз келажагига дахлдор масалалардир. Шунингдек, кўнгли ўксик, лекин бир олам орзулар билан яшаётган жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг яшашга қизиқишини ошириш, уларни тўлақонли ҳаётга қайтариш, ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, партиямиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар билдираётган таклифлар бугун ҳаётимизда кузатилаётган, одамларга қийинчилик туғдираётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ҳурматли сайловчилар! Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, азиз сайловчилар!

24 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯНГИ НАШРИ

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олдидан

Бу йил мамлакатимиз аҳли қутлуғ сана – Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигини кенг нишонлайди. Асосий Қонунимизнинг қабул қилиниши натижасида ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мос суверен, демократик давлатнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди. Унда ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим тамойиллари, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий принциплари тўлиқ ифодасини топган.

ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 дан ортиқ қонун ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши Асосий Қонунимизга бўлган юксак эътибор намунаси бўлиши билан бирга, уни янада пухта ўрганиш, тарғиб этишга оид ишларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Ўзбекистон" нашриёти томонидан янгидан нашрдан чиқарилгани Бош Қомусимизнинг 25 йиллик айёмига муносиб туҳфа бўлди. Конституциянинг янги нашрида сўнгги йилларда Асосий Қонунимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз ифодасини топган.

Китоб ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида кўп минг нусхада чоп этилди.

ЎзА

Миллий қадриятларимизни ўзига сингдирган Конституциямиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятининг рағбатлантирилиши таъкидланган.

Дарҳақиқат, оила жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омил бўлиб, унинг тинчлиги ва фаровонлиги ўз ўрнида жамият ва давлат барқарорлигини, гуллаб-яшнашини таъминлайди. Оила тинчлиги ва равнақи эса кўп жиҳатдан унинг аъзолари, жумладан, ота-онанинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қай даражада бажариши ва бу ҳолатнинг давлат ҳамда жамоатчилик томонидан қанчалик назорат қилинишига боғлиқ. Чунки бу ҳолат аваламбор ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказишда, қолаверса, ёшларни оилага тайёрлашда беқиёс аҳамиятга эга.

Оила – давлат муҳофазасида, оилага мунтазам ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий-маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги 2012 йил 27 февралда қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Оила кодекслари ва бошқа қабул қилинаётган кўплаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топган.

Оиланинг жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунчаси, мамлакатимизда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг оилага моддий ҳамда маънавий ёрдам бериши лозимлигидан далолат беради. Конституциямизда белгиланган ушбу қоида Ўзбекистонда давлат билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, турли хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Мамлакатимизда оила маънавиятини юксалтиришга, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик қилиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ижросини таъминлашга ҳамда мазкур соҳага оид Давлат дастурлари талабларини босқичма-босқич бажариб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мисол қилиб 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларини келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган фармон ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтаётган ёшларга тааллуқлидир. Бу ҳолат мамлакатимизда ёш оилалар доимо давлат ва жамият эътиборида эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу ўз навбатида оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини деб билиш, оила масаласига масъулият билан қаралаётганлиги, унинг давлат сиёсатининг муҳим бир йўналиши эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига биноан оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

'Асосий Қомусимизда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари назарда тутилган бўлиб, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Фарзандлар ота-оналарининг наслнасабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Вояга етмаган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлатнинг тақдири ёш авлод тарбияси билан узвий боғлиқ. Ўз навбатида, тарбия даражасини оиладаги муҳит ҳал қилади. Ота-онанинг феъл-атвори, ахлоқи, дунёқараши, ўзгаларга муносабати болага таъсир кўрсатади. Агар ота-она ақлли, доно, билимли, меҳрибон, жонкуяр, саранжом-саришта бўлса, бундай оилада дили пок, маънавий етук фарзандлар камол топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар" деб белгиланган.

Фарзандлар ота-оналарига ғамхўрлик қилар экан, нафақат уларнинг, балки жамият олдидаги бурчини ҳам адо этган бўладилар. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилиниши орқали болаларнинг бу мажбурияти конституциявий нормага айланди.

Миллий-маънавий қадриятларимизга тўлиқ мос келадиган ушбу норма оила мустаҳкамлигининг яна бир кафолатидир. Таъкидлаш жоизки, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари оиланинг мустақил институт сифатида сақланиб қолишига, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, ғарбдан оилавий муносабатларга доир янгича қарашлар кириб келаётган, фарзандларнинг тўлиқ мустақиллиги баҳонасида ота-онага менсимасдан муносабатда бўлиш, уларнинг рози-ризолиги билан ҳисоблашмаслик каби одатлар ёшлар онгига сингдирилаётган шароитда бу конституциявий норма мустаҳкам қалқон бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда собит қадамлик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устунлигининг таъминланиши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотларнинг ва уларнинг асосига қўйилган инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Сайёра КОШАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг судьяси

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 4

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 "Агроолам".
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Нигоҳ".
10.05 Анонс.
10.10 "Суҳбатдош".
10.30 1. "Дидар". 2. "Рангинкамон".
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Зиё" студияси.
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек театрининг олтин хазинаси.
14.10 "Заковат".
15.10 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.50 "Мўъжизалар макони".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 Анонс.
17.30 "Ватанпарвар".
18.05 "Муносабат". Ток-шоу. (Тўғридан-тўғри эфир).
19.30 "Ахборот". /рус./.
20.00 "Имконият".
20.20 "Бизнес старт".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Менинг боғим".
22.10 – 23.40 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.40 "Ватанпарвар".
00.20 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Бизнес старт".
04.00 "Қалбаки тўй". Б/ф.
05.25 – 05.55 "Мўъжизалар макони".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Бир гап айтайми?".
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр" ҳафта ичида".
08.40 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ош бўлсин".
10.40 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
11.10 "Ёшлар пресс-клуби".
12.00 "Давр".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Нофелет қаерда?" Б/ф.
17.30 "Юрт келажаги".
18.00 "Давр".
18.15 "Фил ва малика". Т/с.
19.00 "Қизлар мактаби".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Альбом".
21.00 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Пешқадам". Б/ф.
00.40 "Шарқ миниатюраси".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
02.50 "Қизлар мактаби".
03.20 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Пойтахт-культура".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-madaniyat".
10.15 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
10.45 "Дунёдан дараклар".
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Мобиль камера".
11.30 "Кинотақдим".
12.00 "Poytaxt-Hi-tech".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт на пульсе".
13.15 "Кесишмаган нуқта".
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Рангли телевизор".
18.00 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
18.15 "Турфа тақдирлар".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Сифат назорати".
20.30 "Poytaxt-avto".
20.45 "Poytaxt-интервью".
21.05 "Виктория". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Выживший". Х/ф.
00.15 "Poytaxt-avto".
00.25 "Кинотақдим".
00.55 "Poytaxt-интервью".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Сифат назорати".
01.55 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
02.05 "Турфа тақдирлар".
02.35 "Пойтахт-культура".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
06.30 "Старт".
07.00 "Sport-online".
07.35 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
10.10 Футбол. Франция чемпионати. "Страсбур" – "ПСЖ".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
13.40 "Спорт сабоқлари".
14.00 Новости спорта.
14.05 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.50 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. "Бунёдкор" – "Локомотив". Танаффусда спорт янгиликлари. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
16.55 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.25 "Шедевр".
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.45 Футбол. Италия чемпионати. "Сампдория" – "Лацио".
22.30 "Машҳурлар".
22.55 Футбол. Италия чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.50 Мадҳия.
01.00 Новости спорта.
01.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. "Бунёдкор" – "Локомотив".
03.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
04.00 "Техноспорт".
04.15 – 06.00 Футбол. Италия чемпионати. "Беневенто" – "Милан".

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
07.00 "Қадр топган қадриятлар".
07.30 "Шукрона".
08.00 "Илҳом мавжлари".
08.30 "Ирода".
09.00 "Меҳнат ҳуқуқи".
09.20 "Хатарли қармоқ".
09.50 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
10.10 "Муаммо ва ечим".
10.40 "Илм қудрати".
11.10 "Аждодлар хазинаси".
11.30 "Маҳалладошлар".
12.00 "Фермер".
12.30 "Аслидек асрайлик".
13.00 "Саодатли умр".
13.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
14.00 "Бир осмон остида".
14.30 "Ноёб институт".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Маҳалламиз чавандозлари".
16.10 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.30 "Бизнинг студия".
18.00 "Бола бошидан".
18.30 "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
20.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
21.00 "Муваффақиятим сирлари".
21.30 "Осуда ҳаёт".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Меҳригиё". Ток-шоу.
23.30 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Бизнес ва тараққиёт".
01.00 "Машварат".
01.30 "Қишлоқ кўйнидаги бахт".
02.00 "Таҳлил ва талқин".
02.30 "Маҳалламиз маликаси".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Табаррук анъана".
04.00 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
04.30 "Биламиз-ку, аммо..."
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Жавондаги жавоҳир".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.45 "Бола бошидан".
09.00 "Мультипанорама".
11.10 "Bravo English".
11.30 "Болалар учун фильм".
13.00 "Боғбон болажон".
13.30 "Эртаклар оламида".
14.30 "Табиатга саёҳат".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.10 "Қувноқ стартлар".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
19.10 "Худойберди бобо меҳмонда".
19.30 "Мультипанорама".
20.10 "Топағон болажон".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Тоғ одамлари". Б/ф.
07.35 "Биринчи қадам". Б/ф.
09.15 Оилавий экран. "Йиртқич билан ёнма-ён".
11.10 Саргузашт фильмлар экрани. "Чўққи. Қутқарувчилар".
13.20 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.35 Қадрдон кино. "Ғаройиб бола".
16.00 Болалар экрани. "Оливер Твист". Б/ф. 1-қисм.
17.05 Мировое кино. "Город Ангелов".
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 "Ҳафта юлдузи". Силвестр Сталлоне.
22.35 Жаҳон киноси. "Онасининг боласи".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "10 лет спустя". Х/ф.
01.35 "Сўнгги совға". Б/ф.
03.25 "Синган тақа". Б/ф.
04.40 – 06.00 "Шайтон малайлари". Б/ф.

СЕШАНБА, 5

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Устурлоб".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Кунларнинг бирида..."
10.00 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Кўнгил ободлиги".
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.40 "Ҳаётимиз қомуси".
14.55 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.35 "Халқ қабулхонасида бир кун".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Тараққиётнинг янги босқичи".
17.55 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
18.40 Анонс.
18.50 "2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". "Олий қадрият".
19.10 "Қорачиқ".
19.30 "Ахборот". /рус./.
20.00 "Бугуннинг мавзуси".
20.35 "Шарқ".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Агроолам".
22.10 – 23.35 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.35 "Олий қадрият".
23.55 "Робия". Б/ф.
00.20 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Тараққиётнинг янги босқичи".
04.00 "Фақат "ҳа" де". Б/ф.
05.35 – 05.55 "Агроолам".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Бир гап айтайми?".
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Фан ва ёшлар".
08.40 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Икки эшик ораси".
11.10 "Қизлар мактаби".
11.40 "Ҳикоя".
12.00 "Давр".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги бой". Б/ф.
17.30 "General English".
18.00 "Давр".
18.15 "Фил ва малика". Т/с.
19.00 "Давр мавзуси".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
20.30 "Ёнма-ён".
21.00 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Тикка йўл адоғи". Б/ф.
00.30 "Давр мавзуси".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
02.50 "Ёнма-ён".
03.20 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Нимкоса".
11.30 "Poytaxt-avto".
11.45 "Мобильная камера".
12.00 "Poytaxt-интервью".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Китобхон".
18.00 "Телетаҳлил".
18.30 "Халқ билан юзма-юз".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Кўзгудаги биз".
20.30 "Пойтахт-авто" (рус.).
20.45 "Poytaxt-reportaj".
21.05 "Виктория". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Золотой компас". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-авто" (рус.).
00.20 "Кўзгудаги биз".
00.50 "Poytaxt-reportaj".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Китобхон".
02.10 "Пойтахт на пульсе".
02.30 "Халқ билан юзма-юз".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Соғломжон-полвонжон".
06.35 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Спорт сабоқлари".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Болалар спорти".
08.35 Дзюдо. Мутлоқ жаҳон чемпионати.
09.50 "Қорақалпоқ спорти".
10.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. "Бунёдкор" – "Локомотив".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
13.45 "Халқ ўйинлари".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Италия чемпионати. "Сампдория" – "Лацио".
16.00 "Техноспорт".
16.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 Футбол. Германия чемпионати.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Соғломжон" – "полвонжон".
19.10 "Техноспорт".
19.25 Франция чемпионати шарҳи.
19.55 "Соғлом турмуш сари".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 Футбол. Италия чемпионати.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 Футбол. Германия чемпионати.
01.55 Новости спорта.
02.05 Франция чемпионати шарҳи.
02.35 Футбол. Франция чемпионати. "Монако" – "Анже".
04.25 "Техноспорт".
04.40 – 06.00 Баскетбол.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.40 "Бола бошидан".
08.00 "Саодатли умр".
08.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Муваффақиятим сирлари".
10.10 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
11.00 "Телевизион миниатюра".
11.30 "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида".
12.00 "Осуда ҳаёт".
12.30 "Step by step".
13.00 "Бизнес ва тараққиёт".
13.30 "Машварат".
14.00 "Таҳлил ва талқин".
14.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Қадр топган қадриятлар".
16.00 "Автотелемактаб".
16.30 "Илҳом мавжлари".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.40 "Мутолаа завқи".
18.00 "Под одним небом".
18.30 "Репортер".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Табаррук анъана".
20.00 "Халқ билан юзма-юз".
20.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
21.00 "Жавондаги жавоҳир".
21.30 "Биламиз-ку, аммо..."
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Фермер".
23.10 "Аслидек асрайлик".
23.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Ноёб институт".
01.00 "Маҳалламиз чавандозлари".
01.30 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
02.20 "Мутолаа завқи".
02.30 "Аждодлар хазинаси".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
04.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Ён қўшним – жон қўшним".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.45 "Бола бошидан".
09.00 "Мультипанорама".
11.10 "Bravo English".
11.30 "Болалар учун фильм".
12.50 "Табиатга саёҳат".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.10 "Қувноқ стартлар".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
19.10 "Топағон болажон".
19.30 "Мультипанорама".
20.10 "Болажонлар саҳнаси".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Грециядаги таътил". Б/ф.
07.40 Миллий кино. "Дилхирож".
09.00 Оилавий экран. "Кейт ва Лео". Б/ф. 1-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.50 "Сенга ошиқман". Т/с.
12.15 Жаҳон киноси. "Катве маликаси". Б/ф. 1-қисм.
13.25 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.25 Қардошлар киноси. "Одамлар орасидаги бўри боласи".
15.50 Болалар экрани. "Оливер Твист". Б/ф. 2-қисм.
16.55 Мировое кино. "Герой".
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.10 "Рокки". Б/ф. Премьера.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Багряное поле". Х/ф. 1-қисм.
01.55 "Одам бўлмайди". Х/ф.
03.30 – 06.00 "Рўё". Х/ф.

ЧОРШАНБА, 6

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Қорачиқ".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Ягона оилада".
10.00 "Шарқ+".
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Кўрганларимиз ҳақида".
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.35 "Қишлоқ ҳаёти".
14.55 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.35 "Имконият".
15.55 "Эл тинчлиги йўлида".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Суҳбатдош".
17.45 Анонс.
18.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
18.50 "Парламент ҳаёти".
19.10 "Лойиҳадан натижагача".
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Ҳидоят сари".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Устурлоб".
22.10 – 23.25 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.25 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
00.10 "Ягона оилада".
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 Анонс.
03.35 "Боғбон билан суҳбат". Б/ф.
05.10 "Устурлоб".
05.30 – 05.55 "Кўрганларимиз ҳақида".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Бир гап айтайми?".
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Соғлом ҳаёт".
08.40 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "General English".
10.40 "Ёнма-ён".
11.10 "Бир қадам". В/ф.
12.00 "Давр".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Керакли одам". Б/ф.
17.30 "Баркамоллик йўлидан".
18.00 "Давр".
18.15 "Фил ва малика". Т/с.
19.00 "Давр-репортаж".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "What's up?" ток-шоуси.
21.00 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Афсунгарнинг шогирди". Б/ф.
00.30 "Баркамоллик йўлидан".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
02.40 "What's up?" ток-шоуси.
03.20 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Кўзгудаги биз".
11.45 "Пойтахт-авто" (рус.).
12.00 "Мобиль камера".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Халқ билан юзма-юз".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Энг ширин шоу".
18.00 "Poytaxt-reportaj".
18.20 "Пойтахт-вазият".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқот". /Тўғридан-тўғри эфир/.
21.05 "Виктория". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Все любят китов". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
00.05 "Очиқ мулоқот".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Энг ширин шоу".
02.05 "Poytaxt-reportaj".
02.15 "Профессионал".
02.35 "Пойтахт-вазият".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
06.30 "Болалар спорти".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Соғлом турмуш сари".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Соғломжон – полвонжон".
08.35 Дзюдо. Мутлоқ жаҳон чемпионати.
09.55 "Халқ ўйинлари".
10.10 Футбол. Италия чемпионати. "Интер" – "Кьево".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Франция чемпионати шарҳи.
13.10 "Поколение XXI".
13.30 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. Қуръа ташлаш маросими. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Франция чемпионати. "Монпелье" – "Марсель".
16.00 "Ёшлар спорти".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 Футбол. Италия чемпионати.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Жозиба".
19.30 "Шарқона Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.45 "Автограф судьбы".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 Германия чемпионати шарҳи.
21.20 Баскетбол.
22.45 "Чемпион".
23.15 "Машҳурлар".
23.40 "Жозиба".
00.00 Мадҳия.
00.05 Германия чемпионати шарҳи.
00.35 "Мураббий".
01.00 Новости спорта.
01.10 Баскетбол.
02.35 "Машҳурлар".
02.55 Дзюдо. Мутлоқ жаҳон чемпионати.
04.15 – 06.00 Футбол. Италия чемпионати.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Табаррук анъана".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.40 "Мутолаа завқи".
08.00 "Жавондаги жавоҳир".
08.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Аждодлар хазинаси".
10.00 "Репортёр".
10.30 "Бир осмон остида".
11.00 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
12.00 "Ноёб институт".
12.30 "Биламиз-ку, аммо..."
13.00 "Бизнинг студия".
13.30 "Қайнона бисотидан".
14.00 "Бола бошидан".
14.30 "Қариси бор уй".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Хатарли қармоқ".
16.00 "Маҳалладошлар".
16.30 "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.40 "Осуда ҳаёт".
18.00 "Сўнмас юлдузлар".
18.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Шукрона".
20.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
21.00 "Ён қўшним – жон қўшним".
21.30 "Тунги репортаж".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Бизнес ва тараққиёт".
23.00 "Машварат".
23.30 "Таҳлил ва талқин".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Қадр топган қадриятлар".
01.10 "Муваффақиятим сирлари".
01.30 "Ирода".
01.50 "Маҳалла академияси".
02.30 "Илҳом мавжлари".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Фермер".
04.00 "Аслидек асрайлик".
04.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Саодатли умр".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.45 "Бола бошидан".
09.00 "Мультипанорама".
11.10 "Bravo English".
11.30 "Болалар учун фильм".
12.50 "Худойберди бобо меҳмонда".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.30 "Қувноқ стартлар".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.20 "Боғбон болажон".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
19.10 "Топағон болажон".
19.30 "Мультипанорама".
20.10 "Болажонлар саҳнаси".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Огоҳлантириб севиш". Б/ф.
07.35 Миллий кино. "Куёвмисан, куёв".
09.10 Оилавий экран. "Кейт ва Лео". Б/ф. 2-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.50 "Сенга ошиқман". Т/с.
12.15 Жаҳон киноси. "Катве маликаси". Б/ф. 2-қисм.
13.15 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.20 Қадрдон кино. "Бензоколонка маликаси".
15.35 Болалар экрани. "Бешовлон".
17.05 Мировое кино. "Моя кузина Рейчел". Х/ф. Премьера.
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с. 3-қисм.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 Жаҳон киноси. "Рокки-3".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Багряное поле". Х/ф. 2-қисм.
02.00 "Симона". Б/ф.
03.55 – 06.00 "Сув дунёси". Б/ф.

(Давоми келгуси сонда)

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида "Ҳисобли дўст айрилмас" нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича – омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчалик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

- **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати – 1055**

"ТОШГАЗ" БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати	– 255-44-27
Учтепа	– 274-44-34
Бектемир	– 295-14-43
Миробод	– 254-15-61
Мирзо Улуғбек	– 267-19-47
Олмазор	– 248-35-48
Сергели	– 258-84-33
Яшнобод	– 296-39-61
Чилонзор	– 278-09-99
Шайхонтоҳур	– 242-39-26
Юнусобод	– 212-25-52
Яккасарой	– 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати	– 233-77-53, 233-78-46
Учтепа	– 274-14-81
Бектемир	– 295-10-66
Миробод	– 291-15-92
Мирзо Улуғбек	– 267-58-15
Сергели	– 258-38-60
Олмазор	– 242-46-95
Шайхонтоҳур	– 278-87-11
Яшнобод	– 291-87-83
Чилонзор	– 277-19-72
Юнусобод	– 225-00-65
Яккасарой	– 250-19-67

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор тумани мактабгача таълим бўлимига мебель ва компьютер жиҳозлар харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Мебель жиҳозлар учун – 90 000 000 сўм, компьютер жиҳозлар учун – 130 000 000 сўм нарх белгиланган.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 99897 480-10-02.

Бектемир туманидаги 289-мактаб томонидан 2006 йилда Валижонов Козимжон Нозимжон ўғли номига берилган U №2281635 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб вақти-вақти билан қор ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 0-2 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар. (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4003 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.10
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ